Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 6 май 1969 йил сешанба ● № 105 (14.268). ● Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Андижон ирригация машинасозлик заводи асбобсозлик цехининг ишчилари ленинча меҳнат вахтасида ишлаб, янги-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Суратда смена топшириқларини ҳамиша ортиғи билан бажариб келаётган мастерлардан А. Сойбексонов ва К. Муҳаммаджоновларни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотоси.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

Экишни тезроқ тугаллайлик. Чигитни текис ундириб олишга эришайлик. Ниҳол униб чиққан майдонларда ғўза парваришини бошлаб юборингиз.

МЕҲНАТКАШ ЧОРВАДОРЛАР!

Чорва моллар учун мустаҳкам ем—хашак базаси яратингиз. Бу йил ҳамма жойда ўт сероб бўлди. Камида икки йилга етадиган хашак жамғариб олиш учун курашайлик.

АЗАМАТ ҒАЛЛАКОРЛАР!

Бир миллион тонна дон етиштириш учун олган социалистик мажбуриятимизни бажариш—шарафли иш. Шу кунларда ғаллани суғориш, бегона ўтдан тозалаш, экинни ўғитлаш ишларини изчиллик билан амалга оширингиз.

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

Самарқанд областидаги «Красногвардейск» совхозидан редакцияга хуш хабар келди: хўжалик меҳнаткашлари, айниқса чорвадорлар доҳиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги мусобақасига қўшилиб катта меҳнат зафарларини қўлга киритдилар. Улар йиллик планни 101 процент адо этиб давлатга 50,6 тонна гўшт етказиб бердилар. Маҳсулотнинг ҳаммаси аъло даражада қабул қилиб олинди.

Совхоз чорвадорларининг бу зафарига хўжалигининг энг жонкуяр ишчиларидан Маматқулов, Хидирова, Сатторов сингари чорвадорлар катта ҳисса қўшдилар.

Хўжалик чорвадорлари пландан ташқари гўшт топшириш ҳамда истеъмолчиларнинг талабларини қондириш учун тагин ҳам астойдил меҳнат қилмоқдалар.

КУМУШ ТОЛА КЎПАЙСИН

- Ҳар қутидан 110 килограмм уруғлик пилла
- *Қурт боқиш механизациялаштирилмоқда*
- Пилла агрегатда терилади

Тўтихон ХУДОЙНАЗАРОВА,

Фарғона районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз пиллачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони



Шу кунларда қаерда бўлманг, ким билан гаплашманг, ҳаммаининг бир истак-мақсад йўлида меҳнат қилаётганлигини кўрасиз. У ҳам бўлса, башариятнинг буюк доҳийси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб армуғон тайёрлашдир.

Пиллачиларимиз ҳам ана шу орзу билан нафас олмоқдалар. Бирғина бизнинг Фарғона областимиз бу йил мамлакатга 4 минг тонна «кумуш тола» етказиб беради.

Ипакнинг таъриф-тавсифига сўз топиш қийин, албатта. Хилма-хил шойи-атласлардан ташқари, ипак халқ хўжалигининг ўнларча тармоқларига ҳам жуда-жуда зарур. Мамлакатимиз мудофаа қувватини мустаҳкамлашда ипак бебаҳо роль ўйнамоқда. Шу боисдан ҳам биз меҳр билан ипак қуртини боқамиз ва пилладан мўл ҳосил етиштирямиз.

Мен бир неча йиллардан буён колхозимизнинг Калинин номли участкасида пиллачилик билан шуғулланаман. Биз фақат элита нав уруғлик пилла тайёрлаб берамиз. Шуниси характерлики, областимизда биз билан бирга районимиздаги «Галаба», Кува районидаги «Ленинград» колхозлари республикадаги барча пилла уруғи заводларига элита уруғ етказиб беради.

Биз ана шу вазифани қандай бажарямиз ва бундан буён қандай уддаламиз?

Шу саволга жавоб қайтармоқ учун амалга оширилаётган тажрибаларимиз тўғрисида ҳикоя қилиб бермоқчиман. Ҳар мавсумнинг ўзига хос хусусиятлари бўлади. Масалан, ўтган йили 12 апрелда уруғларни очирган эдик. Ипак қурти боқишни барвақт бошладик. Натижада ҳар қути уруғдан 103,1 килограммдан сифатли пилла топширдик.

Бироқ бу йилги шароит тамоман ўзгача. Уруғни 25 апрелдан очирдик. Нега десангиз, баҳор кеч бошланди. Лекин биз сира умидсизланмаймиз. Бригадамиз аъзолари 50 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 110 килограммдан «кумуш тола» топширамиз, дейишяпти. Шунга эришмоқ учун нимани зарур бўлса, барчасини бажо келтирамиз.

Бригадамизда 17 та пиллачилик звеноси бор. Уларнинг ҳаммаси ипак қурти боқиш учун уйлар билан таъминланган.

Бригадамизда ипак қуртларини микроскоп орқали текшириб туриш учун биологик лаборатория очилган. Қуртлар биринчи ва иккинчи ёшида тут дарахтлари навдалари ёнидаги барг билан озиқлантирилади. Тут баргларини кесиш ва барг узиш асосан механизациялаштирилган. Ана шу ёшида ипак қуртлари бир кеча-кундузда 12 марта озиқлантирилади.

Ипак қуртига уч-тўрт ёшида тут дарахтларининг пастки шохларидаги барглар едирилади. Бу даврда дарахтнинг тепасидаги барглари ўсиб боради. Бешинчи ёшга кирганидагина ана шу барглар берилиб борилади. Учинчи, тўртинчи ва бешинчи ёшларида ипак қуртлари бир кеча-кундузда саккиз маҳал озиқлантирилади.

Биз ипак қуртларини ёшига қараб парвариш қиламиз. Бунда қуртхоналарда ҳарорат белгиланган даражада бўлиши шарт. Учинчи ва тўртинчи ёшида ипак қурти парвариш қилинадиган хоналарда иссиқлик ҳарорати 24-25 даражада бўлади. Бешинчи ёшида эса бу ҳарорат 22-23 даражага туширилади. Чунки бу вақтда қуртлар айни ўсиб, кўпроқ барг ейдиган бўлади. Даста қўйилган куни қуртхоналарда ҳавонинг иссиқлик ҳарорати тагин 25-26 даражага кўтарилади. Шундай қилинганида ипак қуртлари бир кеча-ю, кундузда текис дастага киради.

Ипак қуртларини парвариш қилишнинг ҳам ўзига хос агротехникаси бор. Бир қути уруғда 45-50 мингта қурт бўлишини назарда тутсак, уларни қуртхоналарда яхши жойлаштира билиш керак. Баъзилар бир қути уруғ учун 70 квадрат метр жой ажратишади. Бу эзлик қилади, албатта. Биз бир қути қурт боқиш учун 90 квадрат метр жой тайёрлаймиз. Шунда қуртлар истаганича барг ейиш, яйраб ўсиш имкониятига эга бўлади. Қуртлар қанча сийрак жойлаштирилса, шунча тез ўсади, барвақт ва йирик пилла ўрайди.

Бирғина бизнинг участкамизда 12 гектарли тутзор бор. Биз баргдан тежаб-тергаб фойдаланамиз. Ҳар ким истаганича барг кесиб олавермайди. Бунинг учун махсус кишилар ажратилган бўлиб, баргни фақат улар кесишади ва звеноларга етказиб беришади. Бунда биз қуртларнинг қай даражада ўсаётганлигини алоҳида эътиборга олиб борамиз.

Битта қурт мавсум давомида анчагина барг ейди. Бизда эса барг етарли. Колхозимизда 26 гектар тутзор бор. Улардан 108 тонна барг олинади. Бундан ташқари, далаларда, ариқ бўйларида, йўл ёқаларида ва бошқа жойларда 255 минг туп тут дарахти ўстирилмоқда. Улардан 500 тонна барг оламиз. Шундай қилиб, колхозда боқиладиган 265 қути қурт уруғи учун 608 тонна барг етиштирилади. Бу барг мавсум давомида ипак қуртларига етиб-ортиб қолади. Баргнинг бир қисмини бошқа хўжаликларга берамиз.

Ипак қуртини парвариш қилишнинг агротехникаси асосан ана шулардан иборатдир. Бригадамиз аъзолари ҳар йили элита нав уруғи тайёрлаб, ипак қуртларининг 27 кунда пилла ўрашини таъминламоқдалар. Бу ишга Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг медали билан мукофотланган Мунисхон Исаева, Момо Восиқжонова, Маҳбуда Туропова сингари моҳир пиллачиларимиз катта ҳисса қўшишяпти. Ана шуларнинг баракали меҳнати туфайли ўтган йили бригадамиз пилладан 43440 сўм даромад олди. Ҳар қутидан 424 сўм даромад келди. Пиллачиларимизнинг моддий манфаатдорлиги анча оширилди.

Даста қўйиш тўғрисида икки оғиз сўз. Биз тоғда ўсадиган «оқ пахта» деган тиканли ёввойи ўтни қуритиб даста тайёрлаймиз. Чунки унинг дасталарига кирган ипак қуртлари яхши пилла ўрайди. Пилланинг толаси пишиқ бўлади. Шу билан бирга пилла сира кирланмайди. Саноатимиз учун пишиқ толали, тоза ва сифатли пилла ниҳоятда зарурдир.

Районимиз хўжаликларида бу йил 4052 қути ипак қурти боқилади. Парвариш ишлари авж олиб кетди. Улар Фарғона шуҳратини тагин ҳам ошириш мақсадида ҳар қути уруғдан пландаги 66,6 килограмм ўрнига 70 килограммдан «кумуш тола» топширишга аҳд қилишган. Шунга кўра пиллачиликда кўпроқ механизацияни жорий қилишга интиляпмиз. Бу йил хўжаликларда биринчи марта пилла терадиган агрегат ишлайди. Бу билан пилла териш муддати ўн баравар қисқартирилади. Етилган пилла тез ва соз териб олиниб, тайёрлов пунктларига жўнатилади.

Фарғона области пилла етиштиришда республикамизда биринчи ўринда турар экан, биз бундан буён ҳам «кумуш тола»ни кўпайтириш учун астойдил меҳнат қилаверамиз. Негаки, Давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олияхон Султонова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳалимахон Холматова сингари моҳир пиллачилар бизнинг областимизда етишиб чиққан. Биз уларнинг тажрибаларидан кенг фойдаланиб, элитанинг, халқимизнинг ипакка бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида куч ва ғайратимизни сира аямаймиз.

ШОЛИ ЭКИЛЯПТИ

НУКУС («Совет Узбекистони» мухбири). В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга қарор қилган Қорақалпоғистон Автоном республикаси шолиқорлари шоли эниладиган ерларни текислаш, ўғитлаш, ҳайдаш, суғориш ишларини агротехника қоидалари асосида ўтказмоқдалар. Қўнғирот районидаги «Равшан» совхози шолиқорлари 1500 гектар майдонга экишдан олдин самолёт ёрдамида минерал ўғит сепишди.

Совхознинг Ж. Сарсенов бошлиқ бригадаси шолиқорлари Автоном республикада биринчи бўлиб шоли экишни бошлаб беришди. Экиш бошланган биринчи куниёқ 5 гектар майдонга шоли уруғи сепилди. Шунингдек, Шуманай районидаги «Партия XXII съезди». Чимбой районидаги «Майёб совхозлари ва бошқа хўжаликларда ҳам шоли экиш бошлаб юборилди.

Бу йил давлатга камида 62 минг тонна шоли етказиб бериш мажбуриятини олган Қорақалпоғистон шолиқорлари, экиш ишларини агротехника қоидалари асосида ва қисқа муддатда ўтказиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

ҒОЛИБЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Транспорт қурилиши министрлигининг коллегияси ҳамда темир йўл транспорти ишчилари касаба союзи Марказий Комитети, автомобиль транспорти ва тош йўллар ишчилари касаба союзи Марказий Комитети президиумларининг қўшма мажлисида министрликка қарашли қурилиш-монтаж ташкилотлари ва саноат корхоналари коллективларининг биринчи чоракдаги мусобақасига якун ясалди. «Пермстройпуть», «Мосметростой» бошқармалари, «Трансвзривпром», «Средаэстроймеханизация», «Севзаптрансстрой», «Центродорстрой», «Балтморгидростой» трестлари, «Главмосстрой»нинг 1-кўприк қуриш трести, «Трансстройпромконструкция» трестининг Дмитровсидаги темирбетон конструкциялари заводи СССР Министрлар Совети билан ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди.

(ТАСС).

БАЛЛИ, ИШЧИЛАР СИНФИ!

АЛАНГА ДАРЁСИ

Қизилқумнинг Бухородан бошланадиган қисмида катта газ кони фойдаланишга топширилганига етти йилдан ошди. Газли «зангори аланга» дарёси бўлиб қолди. Бу ердан шу вақтгача жами 100 миллиард кубометрдан ортиқ табиий газ қазиб олинди. Бу ерда замонавий поселка ҳам барпо қилинди.

Газчилар беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун белни маҳкам боғлаб, кундан-кунга баракали меҳнат қилаётирлар. Бухоро табиий газининг алангаси тафти Ўрта Осиёдагина эмас, Урал ва мамлакатимизнинг марказий районларида ҳам сезилиб турибди. Газлида «Газлинефтегаз» бошқармаси барпо қилинди. У замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Газ конлари телеавтоматика воситалари ёрдамида бошқарилади. Ҳар кеча-кундузда бошқармага қарашли конлардан 80 миллион кубометр газ қазиб олиняпти.

Бошқармага қарашли конларнинг жуда кўп коллективлари шу кеча-кундузда июнь ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.

ВАЪДАНИНГ ВАФОСИ

Тошкент шаҳридаги Ленин районидаги саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва транспорт тармоқларининг коллективлари 1 Май байрами арафасида бутун республикага довруқли бўладиган катта ташаббус билан майдонга чиққан эдилар. Улар В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш учун мусобақани авж олдириб, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1969 йил планини 23 декабргача ва 1970 йил тўрт ойлик планини 20 апрелгача бажаришга қарор қилишганди.

Ваъдага яраша баракали меҳнат қилиш ўз натижаларини бермоқда. Район корхоналари тўрт ойлик планни маҳсулот реализацияси бўйича муваффақиятли равишда бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Қўшимча равишда бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 28 завод ва фабрика, комбинат ҳамда бошқа корхоналар тўрт ойлик планни ўртача 102 процентдан бажардилар. «Қизил тонг» тикувчилик, «Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмалари, кимиёфармацевтика ва «Подъёмник» заводлари коллективлари айниқса юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

БАЙРОҚДОРЛАР

Фарғона область колхозлараро қурилиш трестининг азамат бинокорлари беш йиллик марраларини муддатидан илгари эгаллаш учун баланд рух билан меҳнат қилмоқдалар. 1 Май байрами арафасида қурувчилар иккита қувончли воқеани бирданига нишонладилар: уй-жой ва бошқа объектларни қуриб фойдаланишга топшириш тўрт ойлик плани муддатидан илгари ортиғи билан адо этилди. Худди шу зафар тантаналари вақтида Ватанимиз пойтахти Москвадан хушхабар келиб қолди. Қишлоқ бинокорларининг Бутуниттифоқ мусобақасида Фарғона область колхозлараро қурилиш ташкилоти бунёдкорлари ғолиб чиқдилар.

«Ферганаоблколхозстрой» трести СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Бу — Фарғона қурувчиларининг беш йиллик тўртинчи йили биринчи кварталидаги мардона меҳнатига берилган муносиб мукофот эди. Узбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг 12-трести ҳам СССР Министрлар Совети ҳайда ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

ЧИГИТ ЭКИШ КУНДАЛИГИ

1969 йил 5 майга бўлган маълумот

(Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — чигит экиш плани (минг гектар ҳисобида); учинчи устун — жами чигит экилган майдон (гектар ҳисобида); тўртинчи устун — планнинг бажарилиш проценти; бешинчи устун — шу жумладан бир кунда чигит экилган майдон; олтинчи устун — бир кунда чигит экиш планнинг бажарилиш проценти).

Сурхондарё	116,5	112764	96,8	689	0,6
Андижон	184,3	175956	95,5	3748	2
Наманган	134,9	128014	94,9	1076	0,8
Тошкент	142,1	130697	91,9	3606	2,5
Қашқадарё	94,7	86999	91,8	2319	2,4
Фарғона	193,7	169929	87,7	5856	3
Бухоро	163,4	130375	79,8	7974	4,9
Сирдарё	253	190001	75,1	13252	5,2
Самарқанд	172,7	123396	71,5	12176	7,1
Хоразм	103,7	46045	44,4	9849	9,5
ҚҚАССР	126,5	14350	11,3	3754	2,9
Республика бўйича:	1685,5	1308526	77,6	64299	3,8

А. Н. КОСИГИН ДЕҲЛИГА КЕЛДИ

ДЕҲЛИ, 5 май. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва унинг ҳамроҳлари Ҳиндистон Президенти доктор Зокир Ҳусайнни дафн этиш маросимида қатнашиш учун бугун Деҳлига келдилар.

* * *

ДЕҲЛИ, 5 май. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва унинг ҳамроҳлари бугун президент саройида бўлишди ҳамда Ҳиндистон Президенти марҳум Зокир Ҳусайн тобути ёнига гулчамбар қўйишди.

Сўнгра А. Н. Косигин марҳумнинг уйида бўлди ва Зокир Ҳусайннинг вафоти муносабати билан унинг оиласига чуқур ҳамдардлик билдирди.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. М. ГОВОРГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИНЖЕНЕР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика озиқ-овқат саноатини ривожлантиришдаги кўп йиллик ва самарали ишлари учун Узбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрининг биринчи ўринбосари Василий Маркович Говорга «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер» фахрий унвони берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА,
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1969 йил 30 апрель.
Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТДА МАТБУОТ КУНИ БАЙРАМИ

5 май куни Тошкентда умумхалқ байрами — В. И. Ленин асос қўйган совет матбуоти кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда журналистлар, ишчи-деҳқон мухбирлари, нашриётлар ва полиграфия саноати ходимлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар. Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Н. Бобожонова очди. КПСС ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюроси фахрий президиумга гулдурос қарсаклар остида сайланади.

Узбекистон телеграф агентлигининг директори Г. Н. Нажимов доклад қилди.

Йиғилишда ҳозир бўлганлар Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти коллективини қизғин табриклашдилар. Бу коллектив «Правда» газетасини чоп қиладиган полиграфия корхоналари Бутуниттифоқ мусобақасида биринчиликни олишга муваффақ бўлди. Йиғилишда бу коллективга «Правда» нашриёти ва маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғи топширилди.

Йиғилишда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов иштирок этдилар. (УзТАГ).

УЛУҒ ҲАЁТ

(К. Маркс туғилган куннинг 151 йиллиги муносабати билан)



Инсоният халққа садоқат билан хизмат қилган, уни озод қилиш йўлларини излаган ва унинг манфаатлари учун кураш олиб борган кўпгина буюк кишиларнинг муборак номини эъзозлаб, ҳамиша хотирлайди. Шулар орасида Карл Марксниг номи алоҳида ўрин эгаллайди.

К. Маркс 17 ёшида гимназияни тамомлаб, Бонн университетининг юридик факультетига кирди. Сўнгра у Берлин университетига кўчирилди ва фалсафа ҳамда юридик фанларни қизиқиш билан ўрганди. К. Маркс университетни тамомлагач, Демокритнинг натуралистик фалсафаси билан Эпикурнинг натуралистик фалсафаси орасидаги тафовут мавзуида докторлик диссертацияси ёқлади. К. Маркс бу асарида Гегель фалсафасининг тарафдори бўлиб майдонга чиққан бўлса-да, Гегель қарашларидан шубҳаланган ҳам эди.

1842 йилда К. Маркс Кёльнда чиқадиган «Рейн газетаси»нинг бош редактори бўлди.

Газетанинг революцион демократик йўналиши тобора кенгая боргач, ҳукумат уни аввал икки ёқлама ва ҳатто уч ёқлама цензурага итоат қилишга мажбур этди, кейин эса 1843 йилнинг январида бутунлай ёпиб қўйишга қарор қилди.

Ўша йилнинг кузида К. Маркс Парижга келди ва «Немис—француз йиллик мажмуаси» журналини нашр қила бошлади. Бу журналнинг фақат биринчи китоби босилиб чиқди. Германияда журнални ящирин таркатиш қийинчиликлари уни нашр қилишни тўхтатиб қўйди. К. Маркс бу журналдаги мақолаларидан мавжуд тузумни шафқатсиз танқид қилишга даъват этувчи революционер бўлиб майдонга чиқади.

1844 йилнинг сентябрида Парижда Фридрих Энгельс К. Маркс билан учрашди. Шундан бошлаб улар энг яқин дўст бўлиб қолишди. 1845 йилда К. Маркс Пруссия ҳукуматининг таъқиби остида хавфли революционерлар сифатида Париждан сургун қилинди. У Брюсселга кўчиб келди.

1847 йилнинг баҳорида Маркс ва Энгельс «Коммунистлар союзи»нинг маҳфий жамиятига қўшилиб, ана шу союзнинг II съезди (1847 йил ноябри) топшириғига биноан 1848 йил февралида нашр этилган машҳур «Коммунистик партия манифести»ни ёздилар. **«Коммунистик партия манифести»нинг «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган оташин чақириғи пролетариат эътиқодининг рамзи бўлиб қолди.**

1848 йил февраль революцияси вақтида Бельгия ҳукумати К. Марксни қамоққа олди, кейин эса мамлакатдан чиқариб юборди. 1848 йилнинг июнидан бошлаб К. Маркс Кёльнда «Янги Рейн» газетасини чиқара бошлади, 1849 йилнинг майида газета тақиқланди ва Маркс Парижга кўчиб келди. Бироқ тез орада у Франциядан ҳам чиқариб юборилгач, Лондонга кўчишга мажбур бўлди ва ҳаётининг охиригача шу ерда яшади.

Энгельснинг ёзишича, Лондонда К. Маркс бутун ҳаётини Британия музейи кутубхонасида сиёсий иқтисод соҳасида яратилган жуда бой хазинани чуқур ўрганишга бағишлади ва прогрессив «Нью-Йорк минбари» газетаси билан ҳамкорлик қилди.

«Эмигрантлик шароитида кун кечириш жуда ҳам оғир эди, — деб ёзади В. И. Ленин, — **Маркс ва унинг оиласи муҳтожликдан жуда сиқилган эди; агар Энгельс Маркса ҳеч нарсани аямай пул билан ёрдам қилиб турмаганда эди, Маркс «Капитал»ни тамомлаш ўёқда турсин, муҳтожлик жафосидан, албатта, ҳалок бўлар эди».**

Маркс олдида шундай мўъжиз турар эдики, у ё танлаб олган йўлида ишлашни давом эттириши ё бўлмаса ўзини таъминловчи ишга ўтиши керак эди. Маркс биринчи йўлни танлаб олди.

К. Марксниг сиёсий иқтисод устида жуда узоқ йиллар давомида қилган меҳнатининг дастлабки самараси 1859 йилда майдонга чиқди. «Сиёсий иқтисод танқидига доир» деган асарида К. Маркс товар билан пул проблемаларини, меҳнат ва товарнинг икки томонлама характери, ишчи кучи, доимий ва ўзгарувчан капитал, қўшимча қиймат назариясини кенг мазмунда баён қилиб берди.

Эллигинчи йилларнинг охири ва олтмишинчи йилларда демократик ҳаракатларнинг жонланиши Марксни яна амалий фаолиятга чорлади. Маркс ва унинг сафдошлари I Интернационални вужудга келтириш соҳасида тайёргарлик ишларини олиб бордилар. I Интернационални тузишга тайёргарлик даврида Маркснинг ўзи турли ишчи ташкилотларига, касаба союзларга ва айрим шахсларга уч мингта яқин хат ёзди. 1864 йилнинг 28 сентябрида Лондонда машҳур I Интернационалга, «Ҳалқаро ишчилар уюшмаси»га асос солинди. Маркс ана шу жамиятнинг жон-дили, унинг биринчи мурожаати ва кўпгина резолюциялари, баёнотлари ҳамда манифестларининг муаллифи эди. **Марксниг Интернационалдаги фаолиятини тавсифлаб бериш,** — деб ёзган эди Энгельс, — **ана шу жамиятнинг ўз тарихини ёзиш билан баравар бўлур эди.** Маркс I Интернационалда турли мамлакатлардаги ишчилар ҳаракатини бирлаштира бориб, пролетар курашининг ягона тактикасини ишлаб чиқди.

1867 йилда ўн тўққизинчи асрнинг энг буюк асари — «Капитал»нинг биринчи томи босилиб чиқди. Марксниг иқтисодий ва социал қарашлари ана шу асарда тўла, мукаммал баён этилди. «Капитал» босилиб чиққач, 1 Интернационалнинг Брюссель конгресси 1868 йил сентябрида резолюция қабул қилиб, унда «Капитал» барча мамлакатларнинг социалистлари эътиборига «Ишчилар синфининг қомуси» сифатида тавсия этилди. Демак, Маркс илмий коммунизмнинг энг йириқ назариётчиси ва ишчилар биринчи интернационал ҳаракатининг ташкилотчиси сифатида тан олинди, эътироф қилинди. «Капитал» барча мамлакатлар социалистларининг ўқув дарслиги бўлиб қолди.

Интернационалда олиб борган шиддатли фаолияти, «Капитал» устида тинмай қилган гоят катта меҳнати Марксниг саломатлигини ёмонлаштирди. Маркс 1883 йилнинг 14 мартида, олтмиш олти ёшида ёзув столи ёнида вафот этди.

Энгельс Маркс вафотидан кейин 12 йил яшади. У ана шу вақт ичида унутилмас дўстига буюк ҳайкал яратди. Энгельс Марксниг капиталистик ишлаб чиқариш усулини таҳлил этиш соҳасида яратган ҳамма материалларини яхлит ҳолда тўплаб, уларни «Капитал»нинг II ва III томлари сифатида нашр қилди. Француз ва халқаро ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, Маркс ва Энгельснинг дўсти Лафаргнинг сўзлари билан айтганда, **Маркс билан Энгельс бизнинг асримизда қадимги шоирлар тасвирлаган дўстлик идеалини рўёбга чиқардилар.**

* * *

В. И. Ленин ёзганидек, **«Маркс XIX асрда бўлган ва кишилик дунёсининг энг илғор уч мамлакатидаги уч асосий идея оқимини: классик немис философиясини, классик инглиз сиёсий иқтисодини ва умуман француз революцион таълимотлари билан боғлиқ бўлган француз социализмини давом эттирди ва уларни доҳиёна равишда такомилга етказди».**

Пролетариатнинг тарихий миссиясини назарий жиҳатдан асослаб беришни марксизм асосчилари ўзларининг бош вазифалари деб билдилар. Маркс ва Энгельс инсониятнинг келажаги учун ишчилар синфи тарихга мустақил равишда актив кириб келади, деган энг доно хулосани биринчи бўлиб баён этдилар. Ишчилар синфининг тарих майдонига актив равишда мустақил бош кўтариб чиқиши Франция 1831 йилда Лион тўқувчиларининг қуролли қўзғолонида, Англияда эса 1836-1848 йилларда, чартистларнинг кучли ва оммавий ҳаракатида ифодаланди.

Марксизм асосчилари ана шундай тарихий фактларни ишчилар синфи нуқтаи назаридан таҳлил қилиш билан бир вақтда инсоният тафаккурининг ўтган даврлардаги бутун маънавий бойлигини ишчилар синфининг ҳаётий манфаатлари нуқтаи назаридан қайтадан баҳоладилар. Инсониятнинг социал тараққиёти ишчилар синфининг тарихдаги роли билан боғлиқ эканлигги тўғрисидаги фикр Марксда жуда барвақт, унинг ҳаётининг илк чоғларидаёқ туғилди.

Ёш Маркс «Гегель ҳуқуқ философиясини танқидга доир. Муқаддима» (1843 йил) номли асарида пролетариат социалистик идеалларни рўёбга чиқаришга қодир ижтимоий куч эканлигини биринчи марта кўрсатиб берди. Бутун масала шундаки, пролетариат ўзининг тарихий вазифасини тушуниб олиши ва ҳаётий шароитларини ўзининг билан кучи билан ўзгартиришга интилиш туйғуси билан руҳланиш учун ҳаракат қилиши керак эди. Назария халқ оммасининг ақли ва қалбига кириб борса, унинг ўзи жаҳонни қайта ўзгартиришга қодир моддий кучга айланажаги тўғрисидаги машҳур тезисини Маркс мана шунда яратди.

Маркс Энгельс билан биргаликда 1844 йилда ёзган «Муқаддас оила» ёки «Танқидий танқидни танқид» асарида пролегариат ўзининг уқубатли ҳаёт шароитларини буржуа жамиятининг бутун инсонятга қарши системасини яксон қилиб ташлаш билангина ўзгартириши мумкинлиги тўғрисидаги тезисни яратиб бердилар.

Капиталистик ёлланма меҳнат системаси феодал муносабатларни улоқтириб ташлаб, ҳукмрон бўлиб келаётган бир вақтда Маркс капитализмнинг ҳалок бўлиши муқаррарлиги тўғрисидаги асосий хулосани баён этди. Маркс тафаккурининг мислсиз сайқали ва унинг илмий башорат кучи ана шунда тўла намоён бўлди. Буржуазиянинг ҳамма ҳаракатлари капиталистик ишлаб чиқариш усулини сақлаб қола олмаслигини кўрмоқ учун пайғамбар бўлиш шарт эмас эди. Капиталистик ишлаб чиқариш усули ижтимоий тараққиётнинг объектив иқтисодий қонуни билан қарама-қарши бўлиб қолди. Пролетариатнинг кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишини тугатишга ва коммунистик мўлкўлчилик яратишга қаратилган ҳаракатлари ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунлари амал қилишига ва пролетариатнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушади.

Пролетариат тарихий миссиясини амалга ошириш учун Маркс кўрсатиб берган асосий йўл — барча ишчиларнинг ўз синфининг туб манфаатлари учун олиб бораётган курашида бирликка эришишдан иборат эди. Ҳукмрон синфлар, — дейди Маркс, — **коммунистик революция олдида титраб ларзага келаверсин. Пролетарлар ўз оёғидаги кишанларидан бошқа ҳеч нарсани йўқотмайдилар. Уларнинг бутун дунёга эга бўлишлари муқаррар. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!**

Маркс пролетариатнинг тарихий миссиясини икки буюк ҳақиқатда очиб берди. Бу икки буюк ҳақиқат инсоннят жамияти тараққиётнинг тарихий жараёни ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилди. **Маркс кашф қилган ва унинг таълимоти негизини ташкил этган буюк ҳақиқатнинг биринчиси — ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар характерига мос бўлиб тушиши қонуни яратилганлигидир.**

Бу қонун марксга капитализм ўрнига социализм келиши муқаррарлигини илмий жиҳатдан исботлаш имкониятини берди.

Марксниг иккинчи буюк кашфиёти қўшимча қиймат ҳосил қилиниши сирини очиб ташлаш. У қўшимча қиймат ишлаб чиқаришнинг сири ишчи кучини алоҳида товар сифатида истеъмол қилиш доирасида эканлигини исботлаб берди.

Марксниг хизмати шундаки, у капиталистлар ҳақ тўланмаган киши меҳнатини ўзлаштириш билан қулдорлар ёки феодалларга нисбатан кўпроқ бойишларининг бутун сири-асрорини фош этиб ташлади.

Қўшимча қиймат тўғрисидаги таълимот Маркс иқтисодий назариясининг асосий ўзаги бўлиб қолди, фанни ишчилар ҳаракати билан бирлаштириш имкониятини берди. Марксча фан жамиятнинг бутун бойликлари ишчилар кўпгина авлодларининг ҳақ тўланмаган меҳнати эканлиги тўғрисидаги объектив ҳақиқатни исботлаб берди.

Карл Маркс «Луи Бонапартнинг ўн саккизинчи брюмери», «Франциядa гражданлар уруши» ва бошқа асарларида ҳамда сиёсий арбоблар билан ёзишмалари ва хатларида революцион назарияни жаҳон революцион ҳаракати тажрибаси асосида янада бойитди. Илмий коммунизмнинг бу буюк асарлари бутун бир революционерлар авлодини тарбиялаб етиштиришда муҳим дастур бўлди.

Маркс ва Энгельс вафотидан кейин В. И. Ленин марксизмни янги босқичга кўтарди, янги тарихий шароит тақозосида ижодий ривожлантирди. Фалсафа, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм ва ишчилар синфининг революцион стратегияси ҳамда тактикаси, давлат ва революция тўғрисидаги марксча таълимот В. И. Ленининг геннал асарларида янги хулосалар билан бойитилди.

Ленин империализм тўғрисидаги, капитализмнинг умумий кризиси ҳақидаги таълимотни яратди, монополистик ва давлат-монополистик капитализми ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. У марксча революция назарияси, синфий кураш ва пролетариат диктатураси тўғрисидаги, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи ҳақидаги масалани ишлаб чиқди. Ленин социализмнинг аввал айрим олинган бир мамлакатда қурилиши ва галаба қозониши мумкинлиги тўғрисидаги таълимотни яратди, социализмнинг сиёсий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқди. Марксча-ленинча таълимот КПСС съездлари ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари ҳамда программ ҳужжатларида. Маркс, Энгельс, Ленининг содиқ шогирдлари ва давомчилари асарларида тобора ривожлантирилмоқда.

Марксниг бутун инсоният маънавий ҳаётини бойитган гоялари замон синовидан ўтди. Ўтган давр ичида жаҳонда юз берган тарихий воқеалар капитализмнинг ҳалокати муқаррарлиги ва унинг ўрнини социализм эгаллаши сўзсизлиги тўғрисидаги марксизм ҳулосалари ҳаққонийлигини батамом тасдиқлади

Улуғ Ленин бошчилик қилган Коммунистик партия раҳбарлигидаги Россия ишчилари ва деҳқонлари бундан 51 йил мўқаддам янги тарихий шароитда давлат ҳокимиятини ўз қўлларига олдилар. Ленин раҳнамолигида жаҳонда меҳнаткашларнинг биринчи социалистик давлати вужудга келди. Октябрь революциясининг галабаси инсоният тарихида янги давр очиб берди, янги социалистик йилноманинг сарҳисобини бошлаб юборди. Янги социалистик жамият пойдеворига метиндек мустаҳкам асос солинди.

Улуғ Октябрь социалистик идеалларини турмушга татбиқ этиш йўлини кўрсатди. Бизнинг Ватанимиз тарихан қисқа муддатда ўзининг асрий қолоқлигини тугатди ва жаҳонда юксак даражада ривожланган қудратли социалистик давлатга айланди.

Совет халқи партия раҳбарлигида биринчи бўлиб социалистик жамият барпо қилди ва коммунизмни биринчи бўлиб қура бошлади. Улуғ Октябрь марксизм-ленинизм гоялари байроғи остида галаба қилиб, бугунги кунда бу гоялар миллион-миллион кишиларнинг ақли ва қалбига сингиб кетди, қудратли яратувчи куч бўлиб қолди.

А. МАМЕДОВ,
иқтисод фанлари кандидати.

Суратда: «Главмосстрой» трести 177-қурилиш бошқармасининг моҳир электр пайвандчиси Василий Беляков. У Тошкентни найта тиклашда фаол қатнашмоқда. Шаҳар марказидаги 2-кварталда тиклаётган кўп қаватли уй-жой биноси қурилишида смена топшириқларини 170-180 процент адо этяпти.

Е. Ботиров фотоси.

Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мусобақаси пешқадамлари кўпайиб бормоқда. Аҳмаджон Азимбоев бошлиқ цех ишлаб чиқаришда энг юқори кўрсатгичларга эришяпти. Суратда: цех бошлиғи Аҳмаджон Азимбоев.

А. Тўраев фотоси.

КАТТА ХИМИЯ ҚУРИЛИШИДА

ДОЛЗАРБ КУНЛАР

ОЛМАЛИҚ. Олмалиқ азот-фосфор ўғитлари заводида асосий асбоб-ускуналарни монтаж қилишга биринчи май арафасида киришилди. Йилига 800 минг тонна аммофос ишлаб чиқара оладиган технология комплексининг дастлабки аппаратлари ўнгиштирилиб, пойдевор устига ўрнатилди.

Қурама тоғларининг этагида ҳозирча заводнинг жимжимадор пўлат каркасларигина кўриниб турибди. Лекин умумхалқ қурилиши деб эълон қилинган бу иншоотда нақадар катта иш бошлаб юборилганлиги ҳозирнинг ўзидаёқ равшан бўлиб қолди. Иккита асосий корпуснинг ҳар бири бир юз эллик метр жойни эгаллайди. Бу корпусларнинг бирида Қоратов фосфорити мамлакатда биринчи марта қўлланиладиган экстракция усулида фосфор ўғитларига айлантириб берилади. Кейинги цехда унга азотли компонент қўшилиб, ҳосил бўлган тайёр маҳсулот қопларга жойлаб қўйилади. Завод энг самарали ўғит ишлаб чиқарадиган бўлади — унинг таркибида 46 процент фосфор ва 11 процент азот бўлади. Бунинг маъноси шуки, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига қўшимча равишда миллион центнерлаб пахта олинади. Корхонани уч юз кун мобайнида қуриб битказишга карор берилди. Ана шу кунларнинг аввалгилари жуда машаққатли бўлди— мислсиз совуқда ишлашга тўғри келди. Ўша кунларда қилишга улгурилмаган ишларни қурувчилар билан монтажчилар ҳозир тезкорлик билан бажармоқдалар.

Ҳозирги вақтда бир ярим норма иш бажариш кўпчилик қурувчилар билан монтажчиларнинг «нормаси» бўлиб қолди. Худди белгиланган муддатда яъни шу йилнинг ўзида аммофос ишлаб чиқарила бошланади. (ЎзТАГ).

ФАН ЯНГИЛИКЛАРИ

КЎПИКДАН КИЙИМ

Одам гуриллаб ёнаётган оловга кирпши учун жуда оғир, қўпол эгни-бош кийиши керак. Бундай кийим қават-қават сопол ва алюминй пластинкаси (лаппагиқдан қилинса ҳам, оловнинг аёвсиз ҳароратига чидаши қийин. Яқинда ГФР олимлари бундай кийимни такомиллаштиришди. Бу кийим суюқ кўпик ёрдамида оловга бардош беради! У икки қатламли бўлиб, ички қатлами кўпикни ўтказмайди, ташқи қатламидан эса кўпик бемалол ўтади. Шу икки қатламнинг орасига пуфлаб кўпик солинади. Шу тариқа одам 10 сантиметргача қалинликдаги ҳаётбахш кўпик билан қопланади. Синов пайтида шундай кўпикли либос кийган одам 925 градус ҳароратдаги алангага қўлини тутиб турди ва заррача безовталанмади. Чунки кийим ичидаги ҳарорат 27 градусдан ошмади.

Янги кийим айни вақтда жуда ихчам ва мухтасар. Бу либосдаги киши ўзини гўё одатдаги кийимида юрганидек ҳис қилади.

ОШҚОЗОНГА ТУШМАСДАН ҲАМ...

Одатда овқат танада бундай ҳаракат қилади: у ошқозонга тушиб ҳазм бўлгач, озиқлантирувчи моддалар қон оқими билан бутун танага тарқалади... Ленин, Америка олими М. Кэр бу одатдаги тасаввуримизга маълум янгилик киритди. Унинг исботлашича, синалаётган киши қандни оғзига олиши билан, у бир минутдан сўнг бош миянга борган. Қанд одатдаги классик тартибда ҳазм бўлиш учун бу вақт сира кифоя қилмайди. Демак, таъкидлайди доктор Кэр, айрим моддалар ошқозонга тушмасдан ҳам, тўғри миянга бораверар экан!

ГИПНОЗ МАШИНАСИ

Манчестр университетида ишловчи доктор Клари кибернетик гипноз машинасини яратди. Клари бу машина ойиҳасини ишлаб чиқишда гипноз жараёни ўрганиш, таълим жараёнининг айрим бўлаги, гипнозниг ўзи — программаланган йўл-йўриқ намунаси деган фикрга асосланди. Олим аввал гипнозчининг ишини узоқ кузатиб, унинг «тил»ини таҳлил қилди. Гипноз машинаси одам билан узвий алоқада бўлиб, тескари алоқа шаклида ишлайди. Одам ухлаши билан гипноз тармоғи узилади. Машина гипнозчи одамга ўхшаб, «сеҳрли назар» солмайди. Машина гипнози учун оғзаки буйруқлар кифоя. Клариниг таъкидлашича, гипноз машинасидан тиш оғриғини ва руҳий касалликларни даволаш мумкин.

«Знание — сила»дан.

МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

1969 йил биринчи квартал якунлари бўйича Тошкент шаҳар матбуот тарқатувчилари Бутуниттифоқ мусобақасида ғолиб чиқиб, СССР Алоқа министрлиги ҳамда Алоқа ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ва биринчи даражали пул мукофотини олишга сазовор бўлдилар.

Ҳозир Тошкентда яшовчи ҳар минг аҳоли ўртасида 1375 нусхадан газета ва журнал тарқатилмоқда.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ЖАНГОВАР, ТАЪСИРЧАН

Бизда бутун бир киши яратган янгилик эртага коллективга, бутун мамлакатга тарқалади. Сўнгра у ҳамманинг мулки бўлиб қолади ва бошқаларни ҳам изланишга, ижодкорликка ундайди. Партия ташкилотларининг кўп қиррали фаолияти ҳам худди ана шундай. Улуғ доҳийимиз В. И. Ленин партиявий ишга ҳамиша ижодий муносабатда бўлиш, унинг форма ва методларини муттасил такомиллаштириб бориш, ҳаёт тақозо этган, тараққиётимизга ёрдам берадиган янгиликларни кундалик фаолиятимизга тинмай жорий қилиш лозимлигини уқтиради. Кундалик ишда шошма-шошарлик ва маъмуриятчиликка йўл қўймаслик зарурлигини таъкидларди.

Бухоро область партия ташкилоти доҳийнинг ана шу кўрсатмалари асосида хўжалик ва маданий қурилишга, партиявий-сиёсий, оммавий-ташкилий ишларга малакали раҳбарлик қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Зотан, КПСС Марказий Комитети партиявий ишнинг моҳияти қабул қилинган қарорларнинг сонида эмас, балки бу қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш ва текшириб туришда, жойларда амалий ишни ташкил этишда, деб таъкидлайди. Шунинг учун ҳам область партия комитети, унинг ходимлари бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Партия ташкилотлари доҳий В. И. Ленин туғилган кунинг юз йиллик юбилейига муносиб совғалар тайёрлашдек муҳим вазифани ҳал этишнинг бош йўли — коммунистларнинг ишлаб чиқариш тақдири ҳал қилинадиган участкаларга кўпчилишида, қуйи звеноларнинг активлигини тағин ҳам кучайтиришда деб билмоқдалар. Шу мақсадда областимизда кейинги вақтда 1584 цех партия ташкилотлари ҳамда 373 партия группалари тузилди.

Ташкилотчилик ишларининг йўналиши асосий масалага — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни юксалтиришни таъминлашга лаёқатли кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашдек муҳим ишга бўйсундирилган.

Бу йил қишлоқ коммунистлари олдида гоят масъулиятли, мураккаб вазифалар турибди. Коммунистлар омма билан бирга бўлиши, уларнинг кучларини бирлаштириб, улардан ўрганиб ва ўргатиб ҳаракат қилган тақдирдагина қишлоқчиликларни ўз вақтида бартараф этишлари мумкин.

Партиямиз ишидаги ленинча иш услубининг энг муҳим шартларидан бири — бу омма билан алоқа қилишнинг турли-туман форма ва методларидан моҳирона фойдалана билишдир. Қоракўл, Навоий, Ромитан, Свердлов район партия комитетлари КПСС XXIII съезди ва партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, хусусан октябрь Пленуми қарорларини меҳнаткашлар оммасига сингдиришда зўр активлик кўрсатмоқдалар.

Қаерда идеология иши ҳаёт билан маҳкам боғлаб олиб борилса, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юқори бўляпти, маҳсулот сифати яхшиланиб, таннархи арзонлашаётир. Буни Свердлов районы мисолида яққол кўриш мумкин Бу ердаги ҳар бир хўжалик, бригада, ферма ва коллективда пропагандистлар группаси тузилган. Уларга коммунистлар бошчилик қилади. Группа аъзолари ўртасида сиёсий ахборотчи, сиёсий ташкилотчи, агитатор ёки пропагандистлар бўлиб, улар «Билим» жамияти билан мустаҳкам алоқа қилиб туришади. Ўша жойнинг ўзида атеистик ёки халқаро ҳаётга доир суҳбат, савол-жавоб кечалари ўтказишади. Бу ишда район партия комитети бошланғич партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоқда.

Яқинда райондаги «Коммунизм», Свердлов номли, Киров номли хўжаликларда Бухоро педагогика институтининг илмий ходимлари Х. Ҳакимов, О. Шодиев, Б. Камаева, А. Нуров, Р. Эшонқулов ўртоқлар иштирокида атеистик кечалар ўтказилди. Мазкур хўжаликларда доҳий ҳаётига доир тематик суҳбатлар ўтказилмоқда. «Ленинномa» клублари ташкил этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашларни қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил кўтаришга илҳомлантирмоқда. Ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Свердлов номли, «Коммунизм» колхозлари бултур ҳар гектар ердан 32-35

ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАРДА

ҚИРҚ ДАРДГА ДАВО

Дунё ажойиботларга бой. Табиат мўъжизанор. Ҳар бир дарахт, ўт ёки ўсимликда ҳали инсонга маълум бўлмаган қанча-қанча сир яширинган. Узбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўсимлик моддалари кимёси институти ходимлари мана шу сирни очиш, уни инсонга хизмат қилдириш устида катта ишлар олиб бормоқдалар.

Яқинда биз институт дори тайёрлаш лабораторияси бошлиғи Муҳаммаджон Бобожоновичь Султонов ҳузурида бўлиб, илмий ходимлар қандай муаммолар устида ишлашаётгани, қандай янги кашфиётлар очаётганлари тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

Муҳаммаджон Султонов:

— Ўсимлик моддалари кимёси институтининг асосий вазифаси — Узбекистон ва Ўрта Осиё республикаларидаги ўсимликларни ботаниклар, кимёгарлар, технолог, фармакологлар ҳамкорлигида пухта текшириб, улардан олинган моддаларни эса халқ хўжалигида ишлатиш йўлларини очишдан иборатдир.

Ҳозир институтда янги дорилар яратилмоқда. Бундай дорилардан энг янгиси винканиндир. У ҳозир саноат йўли билан ишлаб чиқарилятти, дорихоналардан бемалол сотиб олишингиз мумкин. Винканин қандай дори ва унинг хусусияти нимадан иборат?

Узбекистон ҳамда Қирғизистоннинг тоғли ерларида кўп миқдорда ўсадиган бўригул ўсимлиги бор. У буралиб-буралиб ўсадиган оддий кўк ўт. Ана шу ўсимлик текширилганда унинг таркибида бир қанча шифобахш алькалоидлар борлиги аниқланди. Академик Собир Юнусов ҳамда унинг шогирдлари бўригул ўсимлигини синчиклаб текширишлари натижасида ундан қиррқа яқин ишқорсимон моддалар ажратиб олдилар. Шу алькалоидлардан деярли йигирматаси янги моддалардир. Ана шу алькалоидларнинг энг муҳимларидан бири винканин моддасидир.

Винканин асосан асаб системаси касалликлари, нервларнинг ялигланиши, неврит, полиневрит, радикулит касалликларини даволашда ишлатилади. Юз мускулларига жойлашган нерв толалари яллиғланганда оғиз қийшайиб қолиши мумкин, бу кўпроқ шамоллаш ёки грипддан кейин содир бўлади. Бизда буни «жин чалиш» деб нотўғри тушунишади. Худди шундай шамоллаш ёки грипддан кейин баъзан қулоқ ёмон эшитиб, агар у ўз вақтида даволатилмаса, бутунлай эшитмай қолиши мумкин. Винканин, айниқса, ана шу касалликларни даволашда жуда фойдали.

Еш болалар ва баъзан ўспиринлар орасида нечаларни сийдик тутолмаслик дарди учрайди. Бу орқа мия касаллигига кириб, уни даволашда ҳам винканин, айниқса қўл келади.

Кишилар орасида қон босимининг ошиб кетиши тез-тез учраб туради. Лекин қон босимининг пасайиб кетиши — гипотония касаллиги ҳам борки, у кишининг ҳар тарафлама иш қобилиятини йўқотади. Бу дардни даволашда ҳам винканиннинг фойдаси катта.

Илгари ҳам винканинга ўхшаш дорилар бормиди?

Ҳозирги вақтгача мамлакатимиз винканинга ўхшаш шифо моддаларни: масалан, кучаладан олинадиган стрихнинни чет мамлакатлардан олтин ҳисобига сотиб оларди. Эндиликда эса винканин дунё бўйича машҳур бўлган янги дорилардан биридир.

Бўригул ўсимлигидан олинган алькалоидлардан винкаметрин ҳам эътиборга сазовордир. Бу ишқорсимон модда асосан аёлларнинг ҳомиладан бўшашини осонлаштиради. Шунингдек эрвинин, акмуамидин, метвин каби препаратлар ҳам бугунги кунда клиника синовидан ўтмоқда.

Бўригул ўсимлигидан янги дорилар яратганлари учун институт ходимларидан саккиз кишига Беруний номидаги республика мукофоти берилди. Улар шу кунларда янги илмий муаммолар устида тадқиқот олиб бормоқдалар.

Халқимиз орасида баъзи дорилар ҳақида, қирқ дардга даво, деган ривоят юради. Шифобахш бўригул ўсимлигидан олинган алкалоидлар ҳақиқатан ҳам қирқ дардга даводир.

Ш. ФОЗИЛОВ.

СЎЗ — ТАЖРИБАКОРЛАРГА

ДАСТУРХОНДА ЙИЛ БЎЙИ — САБЗАВОТ

Экин майдонларимиз заҳкаш, сизот сувлар ер бетига жуда яқин жойлашган. Бундай далаларда деҳқончилик қилиш анча мураккаб. Захни қочириб, ернинг мелиоратив ҳолатини ва тупроқнинг структурасини яхшилаш учун кўп меҳнат қилишга тўғри келади. Меҳнатсевар сабзавоткорларимиз бу қийинчиликларни енгиш йўлларини, тупроғи нобоп ерларга экин экиб, ундан улкан хирмон кўтаришнинг тилини обдан билишади.

Деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли барча мавсумий ишлар ўз вақтида ва юқори сифатли амалга оширилятти. Агротехника тадбирлари энг қулай муддатларда ўтказилятти. Ҳамма оғир қўл меҳнати қудратли техника зиммасига юклатилганлиги сабабли дала ишлари осон бўлятти, деҳқончилик маданияти ошятти. Натижада сабзавотдан йилдан-йилга мўл ҳосил олинятти.

Колхозимизнинг беш йиллик планига кўра 1970 йил охиригача 50 минг тонна сабзавот, 5250 тонна полиз экинлари маҳсулоти етиштирилиши керак. Шу ҳисобдан уч йилда 30 минг тонна сабзавот, 3450 тонна қовун-тарвуз етиштирилишига эришиш лозим эди. Бунинг ўрнига уч йилда 37 минг тонна сабзавот, 4 минг тонна қовун-тарвуз етиштирилди. Бундан плондаги 750 тонна ўрнига 810 тонна мева олинди. Демак, бизда беш йиллик планни тўрт йилда бажариш учун ҳамма имконият мавжуд.

Ўтган йили сабзавот етиштиришда ҳар йилдагидан ҳам юқори кўрсаткичларга эришдик. 612,5 гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача 202 центнердан ҳосил олинди. Ишлаб чиқариш планида белгиланганидан 1500 тонна кўп, яъни 12388 тоннадан ортиқ маҳсулот етиштирилди. Колхозимизнинг даромади ҳам шунга яраша бўлди. Биз бултур сабзавот, мева ва полиз экинларидан 1 миллион 622 минг сўм даромад қилдик. Бунинг 58 процентини колхозчиларга тақсимлаб берилди.

Бизда сабзавот йил бўйи етиштирилади. Шу мақсадда теплица ва парник хўжалиги яхши йўлга қўйилган. Помидор, карам ва пиёзни совуқдан сақлаш мақсадида полиэтилен плёнкасида ўстирилади. Сабзавотнинг эрта етиладиган навлари чиринди тувакчаларда кўкартирилади ва меҳр билан парвариш қилинади. Бу йил қишнинг қаттиқ келганлигига, баҳорнинг чўзилиб кетганлигига қарамасдан аҳолига сабзавот март ойи ўртасидаёқ етказиб берилди ва ҳар йилдагидан кўп маҳсулот сотилди. Бундан колхоз иқтисодий жиҳатдан катта манфаат кўрди.

Бу йил далаларда сабзавот етиштириш юзасидан олган мажбуриятимиз ҳам улкан. Беш йилликнинг тўртинчи йилида плондаги 13400 тонна ўрнига 15 минг тонна сабзавот, 920 тонна полиз экинлари маҳсулоти, 420 тонна хўл мева етиштиришга сўз бердик.

Деҳқонларимиз бу юксак мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун шу кунларда далаларда тер тўкиб меҳнат қилишятти. Колхозимизда эртаги сабзавот экиш белгиланган муддатда тугалланди. Ҳозир ўртагиси экиляпти. Уруғ униб чиққан карталарда сабзавот катор ораларини юмшатиш бошлаб юборилди.

Биз мўл ҳосил олишнинг прогрессив усулларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этмоқдамиз. Экин майдонларимизнинг тупроқ хоссаларига кўра, помидорни 90X90 сантиметр схемаси асосида оддий қаторлаб экяпмиз. Карам кўчатини 60X30 ва 60X60 сантиметр схемаси асосида квадрат-уялаб ўтказмоқдамиз.

Сабзавот сифатини яхшилаш, сарф-харажатларни камайтириш ниятида бир неча йилдан буён уруғлик ўзимизда етиштириляпти.

Хўжалигимизда янгилик ижодкорлари тобора кўпаймоқда. Ўтган йили колхозимизнинг инженер-механиги Тўхтасин Отахонов тракторчи Тожиахмад Ғаниев ва темирчи Пўлатбой Тошбоев ўртоқлар билан биргаликда сабзавот экинларини парвариш қилишнинг прогрессив усулини кашф этди. У уч йилдиракли тракторларнинг олдинги ўқига иккита ғildирак ўрнатди. Янги мослама рул бошқариш системасини анча ўзгартирди. Бунинг натижасида трактор пушта тепасини ҳам юмшатиб кетадиган, помидор экинлари катор ораларини 60X25X60 сантиметр схемаси асосида икки томонлама ишлайдиган бўлди. Бу усул маҳсулот таннархини кескин камайтириш ва дала ишларини икки-уч баравар жадаллаштириш имконини беряпти.

Одатда заҳкаш ерларда бегона ўтлар авж олиб ўсади. Бизнинг шароитимизда шўра, майса, ғумай, ажриқ кўп ўсади. Бегона ўтларнинг ҳосилга зарар етказишига йўл қўймаслик учун экинлар орасида пайдо бўлган ўтларни илдизи билан қуритиш мақсадида ОДН ёрдамида дориворлар пуркалади. Химикатларнинг таъсирчанлигини ошириш ниятида пуркагич-чанглагичлар тракторларга осиб ишлатилиб, 4-5 атмосфера босим билан ҳар гектар ерга 300 килограммдан дори сепилади. Натижада дорилашда қўл меҳнати 60-70 процент камайяпти.

Қишлоқ хўжалик олимлари ва мутахассисларнинг кузатишларига қараганда бу йил ҳосил зараркунандалари ҳамда ўсимлик касалликларининг кўплаб пайдо бўлиш хавфи бор. Биз ҳашарот ва турли касалликларга қарши профилактик тадбирларни ўз вақтида амалга оширмоқдамиз. Катта ёшдаги кўсак қуртига қарши курашда рогор эритмаси ва суйилтирилган кунжарадан фойдаланмоқдамиз. Ун шудринг касаллигини йўқотиш учун бу офатнинг пайдо бўлиш хавфи туғилган участкага дарҳол дори пуркаляпти. Бунда ҳар гектар ерга 40-50 килограммдан олтин гугурт чангланади.

Деҳқонларнинг унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароит яратиб бериш, уларнинг ўз меҳнатидан моддий манфаатдорлигини ошириш колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг доим диққат марказида турибди. Бултур колхозчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришга 19742 сўм пул сарфланди. 1969 йилда бу мақсад учун 25 минг сўм маблағ ажратиш мўлжалланмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1968 йил октябрь Пленуми совет деҳқонлари ва чорвадорларини қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ҳамда маҳсулот етиштиришни тағин ҳам кўпайтиришнинг жанговар программаси билан қуроллантирди. Сабзавоткорларимиз бу қарорни тўла-тўкис бажариш учун далаларда янгидан-янги ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бу ватанпарварлик ташаббусини йил сайин кенгайтиради. Мажбуриятга яраша мўл ҳосил етиштириш, аҳолига мумкин қадар кўпроқ сабзавот, ширин-шакар мева, узум, қовун-тарвуз етказиб бериш учун барча чораларни кўради. Сабзавоткорларимиз улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг шонли 100 йиллигини муносиб меҳнат совғаси билан нишонлаш учун астойдил курашадилар.

Ҳ. МАМАЖОНОВ,
Наманган область, Наманган районидаги Тельман номли колхоз раиси.

М. УМАРОВ,
колхознинг бош агрономи.



Жиззах районидаги «Москва» колхози аъзолари теплицаларда помидор ва бодрингдан мўл ҳосил етиштирдилар. Суратда: теплицада етиштирилган помидор яшчикларга жойлаштирилмоқда. Помидор териб олишда ўрнак кўрсатаётган Санда опа Ҳошимова (ўнгда) ва экспедитор Тўра Шарипов ўртоқлар помидор саралашяпти.

С. Рихсиев фотоси.

ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗ ФЕЛЬЕТОНЛАРИДАН

ТРАКТОР КИМНИКИ?

Мен оддий тракторчиман. Билмадим, тракторчиларнинг шикоят ёзишга ҳаққи борми, йўқми, лекин нима бўлганда ҳам сизларга ушбуни ёзиб, бир масалани очиқ-ойдин қилиб олмоқчиман. Трактор кимники? Масалан айтайлик, мен миниб юрган трактор шахсан менимки ёки давлатникими?! Бундай дейишимнинг боиси шуки, кейинги пайтларда трактор бузилиб қолса, эҳтиёт қисм олиш учун чўнтагимиздан пул тўлайдиган бўлиб қолдик. Ростини айтсам илгари бунақа гаплар йўқ эди. Бунинг устига Бухоро «Сельхозтехника»сида ҳам янги қилиқ чиқаришган. Янги трактор келса, то биз бориб олгунча «қорнини ёриб операция қилишади». Янги қисмларини олиб, ўрнига эскисини қўйишади. Мен ҳам яқинда бир трактор олдим. Азаматлар, тракторни хоҳ кўринг, хоҳ кўрманг бамисоли думи юлинган мусичадек қилиб қўйишган экан. Ғилдираги, динамоси, э борингки, аккумуляторигача ҳаммасини алмаштиришган экан. Тракторни келтиргач, юргизолмай совхоз базасига янги қисм сўраб борган эдим «йўталинг!» дейишди. Кейин билсам жиндак пул чўзинг дейишган экан. Жаҳлим чиқиб область базасига бориб энг катта хўжайинга арз қилмоқчи бўлдим. База дарвозасидан киришим билан ёшгина бир йигитга дуч келдим. Бўлган воқеани сўзлаб берган эдим, «сиз айтган қисмлар топилади, лекин 50 сўм беришингиз зарур» деди.

— 25 сўмга ишимиз битмайдими? — деб сўрадим. Негаки чўнтагимда пулим озроқ эди.

— Тушингизни сувга айтинг... — деди қалиги йигит қўл силтаб. Мен ҳам қўл силтаб орқамга қайтдим-у, бўлган воқеани ҳамкасбларимга сўзлаб бердим. Улар «хайҳай, бировга арз қила кўрманг, нақ бўлмаса ўша думи юлинган «мусичаэ»нгиздан ҳам айрилиб қоласиз...» деб маслаҳат беришди. Мен ўйлай-ўйлай редакцияга арзнома йўллашга жазм қилдим.

С. ИБРОҲИМОВ,
Ромитан районидаги «Ромитан» совхозининг 2-бўлим тракторчиси.

«УЯЛМАЙСИЗМИ?»

— Қайтимини бермайсизми?

— Қанақа қайтими?

— Ахир нонингизнинг донаси 7 тийин туради-ку!

— Бунча хасис бўлмасангиз! 15 тийинга жанжаллашгани уялмайсизми?

— Ким уялиши керак?

— Кўйинг-э...

Ленин райпищеторгига қарашли 23-сонли озиқ-овқат магазини сотувчиси билан бўлиб ўтган «суҳбатни айнан келтирдим. Қўшганим ҳам йўқ, ҳеч нарсасини олиб ҳам ташламадим. 50 тийин узатиб, 7 тийинлик оби нондан беш дона олган эдим, кўриб турганингиздек, шунчалик таъналарга қолдим. 15 тийин уриб қоляптилар-у, яна мен уялар эмишман.

Бу ерда аҳвол ҳар куни шундай, ўтган йили ҳам шундай эди. Бир дона нонга 2 тийиндан қўшиб сотишади. Қайтимини сўрасангиз жаҳллари чиқиб, тутоқиб кетишади. Фақат нон бўлимида эмас. Ичимликлар сотиладиган бўлимда ҳам аҳвол шу: «Москва ароғини 3 сўмдан, «Пойтахт ароғини 3 сўм 20 тийиндан-у, портвейн виносини 1 сўм 30 тийиндан пуллашади. Коньяк бўлса... бу ҳақда оғиз очмасак ҳам бўлади-ю, гапи келиб қолгани учун шунчаки айтиб ўтяпман-да... 4 сўм 50 тийин чиқармагунингизча:

— Эссизгина, кечагина тамом бўлувди-я!— деб икки елкасини баравар қисиб тураверишади.

Ким уялиши керак, давлат молига қўшимча нарх қўйиб, тўппа тўғри харидорнинг чўнтагини мўлжалга олган сотувчими ёки пешана тери билан топилган тийиннини сўраган харидорми?!

Ж. СОЛИЕВ,
«Горстройтрест» ишлаб чиқариш бўлимининг инженери.

ЧЕЛАК КЎТАРГАН МЕҲМОНЛАР

Кечирасиз, шунақаси ҳам бўлар экан. Илгариги маҳалда Наманган шаҳар меҳмонхонасига келган меҳмонлар чамадон кўтариб келишарди. Энди бўлса... челак кўтариб келадиган бўлишган. Йўқ, ҳазиллашаётганим йўқ, ростини айтяпман. Чунки ҳар куни бўлмаса ҳам кунаро челак даркор бўлиб туради — меҳмонхонада бир кун сув бўлса, уч кун бўлмайди. Тўсатдан:

— Пастда сув борми?

— Йўқ.

— Юқорида-чи?

— Йўқ-да.

— Ҳовлида-чи?

— Йўқ.

— Кечирасиз, челагингиз борми?— деган овозлар эшитилиб қолади. Ана шундан сўнг десангиз челак кўтарган меҳмонлар ҳар томонга зир югуриб кетишади. Челаги бор эҳтиёткор меҳмонларку, челак кўтариб югуришади-я, челаги йўқлар-чи! Улар бўйинларида оппоқ сочиқ, қўлларида совун-у, тиш чўтка билан югуришади. Бир йўла 130-140 одам югуради, баъзан яқин ўртадан сув тополмай ювинмасдан ишга чиқиб кетган меҳмонлар ҳам бўлади. 4-5 ойдан буён аҳвол шу.

Шаҳар сув канали бошлиғи Фараджев, бош инженери Ғафуров ўртоқларга хўп арзи-дод қилиб кўрдик. Бахтга қарши, сув ўрнига нуқул ваъда ола бердик. Ваъдага эса чўмилиб ҳам, ювиниб ҳам бўлмас экан. Биз меҳмонлар сувсиз яшаши мумкин эмаслигини тушуниб етгунларича Фараджев билан Ғафуровни меҳмонхонага етказиш керак, деган таклифни киритмоқчимиз. Маъқулми?

А. ҚУЧҚОРОВ,
Наманган шаҳридаги 2-йўл-эксплуатация идораси ремонт пунктининг бошлиғи.

Тошкентдаги сабзавот-полизчилик ва картошкачилик илмий тадқиқот институти теплицаларида қариб 50 минутда бодрингнинг кўчати етиштирилмоқда. Ҳозир кўчатлар экила бошлади. Суратда: Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном Одил Абдуллаев кўчатларни кўздан кечирмоқда.

Ҳ. ҲАЙИТМУҲАММЕДОВ фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

АМУ ЖИЛОВКОРЛАРИ

НУКУС, («Совет Узбекистони» мухбири). Амударё Қорақалпоғистон территориясидаги мингминг гектар ерларни суғоради. Баъзан эса тошиб, халқ хўжалигига моддий зарар келтиради. Шунинг учун ҳам асов Амуни жиловлаш муҳим ишдир.

Автоном республика меҳнаткашлари дарё қирғоқларини мустаҳкамлашга барвақт киришдилар. Тошқиннинг олдини олиш учун ўнг ва сўл қирғоқларда дамбалар қурилди. Бу ишларни амалга оширишда учун «Қорақалпоқирсовхозстрой» бошқармасига қарашли «Совхозводстрой» трести ихтиёрида янги 25-механизацияланштирилган кўчма колонна ташкил этилди.

Яқинда Нукус шаҳарида механизация ўқув юртлари, қишлоқ хўжалиги техникумлари механизация бўлимлари студентларининг кенгаши бўлди. Кенгашда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов дамба қурилишини тезлаштириш ва ёш механизаторларнинг бу борадаги вазифалари ҳақида гапирди. 260 дан ортиқ комсомол механизатор дамба қурилишида ишлаш учун жўнаб кетди.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

центнердан пахта ҳосили йиғиб олган бўлсалар, бу йил гектар бошига 38-40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш иштиёқи қишлоқ коммунистлари ва барча меҳнаткашларни эзгу ниятга бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда Свердлов район коммунистларининг доҳий юбилейи шарафига олган шахсий мажбурияти бор. Район меҳнаткашлари беш йилликнинг тўртинчи йилида она-Ватан хазинасига камида 45 минг тонна пахта тўкиш, ҳосилдорликни гектар бошига 35 центнерга етказишга интилмоқдалар. Бошлангич партия ташкилотларининг бутун ташкилотчилик фаолиятлари ана шу мақсадга бўйсундирилган. Худди шундай олижаноб ҳаракатни янги ташкил этилган Шофиркон район коммунистлари ҳаётида ҳам кўриш мумкин. Шофирконликлар КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми қарорларини ҳаётга изчил татбиқ эта бориб, Жилвон массивидан янги ерлар ўзлаштириш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил кўтаришга қаратилган ишларни кенг кўламда қизитиб юборганлар.

Партиявий ишдаги ленинча услублар хусусида гап кетаркан, ҳамма жойда: маҳаллада, гузарларда, колхоз қишлоқларида, совхозларнинг посёлкаларида ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашаётган ва қатнаша олмаётган аҳолининг аксари қисмини қамраб олган ҳолда улар ўртасида марксча-ленинча дунёқарашни такомиллаштириш, В. И. Ленин меросини кенг тушунтиришни тўғри йўлга қўйишдир. Бу соҳада область партия комитети бир талай намунали ишларни қилди. Ҳозирги вақтда «Билим» жамиятининг салкам 5 минг аъзоси, юзлаб снёсий ташкилотчи ва снёсий ахборотчилар, агитатор ва пропагандистлар томонидан Улуғ Ленин таълимоти кенг пропаганда қилинаётганлиги бунинг ёрқин далилидир. Бундан ташқари, доҳий В. И. Ленин ҳаётини ўрганишга бағишланган ўнлаб халқ университетлари, 80 дан знёд тўгараклар, 106 кинолекторий ва бошқа воситалар меҳнаткашлар ўртасида лекция ва пропаганда ишлари олиб боришда қатнашмоқда.

Революцион назария партия ходимлари, коммунистларнинг амалий фаолиятларида гоят бебаҳо дарслик, рисоладир. Жойларда уюштирилган ва ишлаб турган «В. И. Ленин ўқишлари» ҳам худди шу мақсадни кўзда тутади.

Шаҳар, район партия комитетлари, саноат корхоналари, қурилиш, колхоз ва совхоз бошлангич партия ташкилотларининг диққат-эътибори беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш, доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилгандир.

Ишчанликни биз кенг маънода тушунамиз. Ишчанлик деганда, қўйилган мақсадга тез ва тўғри йўл билан боришни, шовқин-суронсиз масалани оқилона ҳал этишни тушунамиз. Бу ҳар бир коммунистнинг юксак фазилат, ақл-идрок қувватига боғлиқ нарсалардир.

Областимиз меҳнаткашлари беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида астойдил меҳнат қилиб, коммунистларни снёсий ҳушёрлик, ишчан-ғайратли ва шижоатли қилиб тарбиялаш борасида катта ютуқларга эришди. Бу ютуқлар хўжаликда эришган муваффақиятларимизда ҳам намоён бўлмоқда. Ўтган йили она-Ватан хирмонига 370 минг тоннадан ортиқ пахта тўккан баҳодир пахтакорларимиз, бу йил янги марраларни кўзлаб туришибди. Бухоро заршунослари бу йил давлатга камида 400 минг тонна пахта, 18,5 минг тонна гўшт, 29 минг тонна сут, 30 миллион дона тухум, кўплаб қоракўл тери, пилла, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб беришга енг шимарганлар.

Ҳозирги вақтда барча бошлангич партия ташкилотлари партиявий-снёсий, оммавий-ташкилий, идеологик ишларининг йўналиши юксак мажбуриятларни муваффақиятли бажариш, доҳий В. И. Ленин туғилган кунинг юз йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилган.

А. МУЗАФФАРОВ,
Узбекистон КП Бухоро область комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТЛАРИ

СССР Журналистлар союзи правлениесининг секретариати 1968 йилги энг яхши ишлари учун қуйидагиларга СССР Журналистлар союзининг мукофотларини беришга қарор қилди.

Л. Э. Варустин, М. С. Куртнин, М. Л. Фроловга (Ленинград) — Ленинград журналистларининг В. И. Ленин Петроградан Москвага борган поезд маршрути бўйлаб қилган саёҳати натижасида яратилган «4001 — поезд» деган репортажлар ва очерклар тўпламини ташкил этганлик ва тузганлик учун;

В. В. Чикнинга. («Комсомольская правда») — «Қишки юз кун» китоби учун;

Б. В. Ивановга (Москва) — «Огонек» журналида эълон қилинган араб шарқи тўғрисидаги очерклар туркуми учун;

У. Е. Логошина, Л. В. Макаренкога (Донецк областидаги «Енакиевский рабочий» газетаси) — «Енакиевский рабочий» газетасида эълон қилинган ишчилар синфи тўғрисидаги очерклар ва мақолалар учун;

М. Д. Васинга («Правда») — «Правда» газетасида эълон қилинган совет фани муваффақиятларини оммалаштирувчи мақолалар учун;

Г. И. Зубковга (Марказий телевидение) — «Монреаллан Осанагача», «Яна Монреал ва Осанада» деган телевизион эшиттиришлар туркуми учун ва «Монреаль Экспо-67» деган рангли телевизион фильмнинг сценарийси учун;

В. И. Комаровга — «Сельская жизнь» газетасининг Магадан областидаги ўз мухбири — ўлканинг ривожи, унинг одамлари тўғрисидаги очерклар туркуми учун;

Ю. М. Гальперинга (Бутуниттифоқ радиоси) — «Адабий оқшомлар» радиоэшиттиришларининг муаллифи ва олиб борувчиси;

С. Д. Нариньянига (Москва) — «Правда» газетасида эълон қилинган фельетонлари учун ва «Тассадифий таниш» фельетонлар китоби учун;

Ю. Я. Муравинга — ТАССнинг Приморье ўлкаси, Сахалин ва Камчаткадаги ўз фото мухбири — «Россия шу ердан бошланади» деган фотосуратлар туркуми учун;

И. И. Игинга — «Крокодил» журналининг карикатурачи рассоми — «Светловнинг табассуми» китоби учун.

В. Ф. Мамонтовга — Горький область Уренси районидаги «За коммунизм» газетаси хатлар бўлимининг мудири — «За коммунизм» газетасида эълон қилинган очерклари ва мақолалари учун;

Ю. Я. Тиллога — Эстония ССР Нигева районидаги «Пуналипп» газетасининг адабий ходими — «Пуналипп» («Қизил байроқ») газетасида эълон қилинган қишлоқ хўжалигига бағишланган очерклари ва мақолалари учун.

И. П. Яганга — Омск шина заводи «Шинник» кўп тиражли газетасининг редактори — «Шинник» газетасида эълон қилинган материаллар туркуми учун.

(ТАСС).

БАҲОР

Р. Галиев чизган расм.

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

ШАХМАТ

Жаҳон биринчилиги учун курашаётган Б. Спасский билан Т. Петросян ўртасида мусобақа давом этаётир. Саккизинчи ўйин 41 юришдан кейин кечиктирилди. Эртасига ўйин давом эттирилиб, уч юришдан кейин даъвогар ғалаба қилди. Шундай қилиб, бу ўйин 5:3 ҳисобида Спасский фойдасига ҳал бўлди.

ФУТБОЛ

Байрам кунлари, олий лигада мамлакат биринчилиги учун курашаётган командалар ўртасида ўтказилган олтинчи тур мусобақаларининг натижаси қуйидагича бўлди. **Биринчи кичик группа.** Пойтахтнинг «Динамо» командаси бу мавсумда биринчи ғалабани «Заря» устидан 1:0 ҳисобида эришган ютуқ билан нишонлади. Худди шу ҳисобда Ростов-Дон армиячилари «Черноморец» командасини мағлубиятга учратишди, Киевлик чемпионлар билан қуйбишевлик футболчилар ҳамда «Уралмаш» — «Арарат» командаларининг учрашувлари 1:1 ҳисобида дуранг бўлди. МАСК—«Нефтчи» ўртасидаги ўйин армиячилар фойдасига 2:0 ҳисобида ҳал бўлди. **Иккинчи кичик группа.** «Локомотив» — (Москва)—«Қайрат» ва «Спартак» (Москва) — «Торпедо» (Москва) командалари учрашуви 1:1, 0:0 ҳисобида дуранг бўлиб туғади. «Динамо» (Минск) — «Торпедо» (Кутаиси) 1:2, «Динамо» (Тбилиси)—«Шахтер»—3:0. Пахтакорчилар олтинчи учрашувда «Зенит» билан беллашиб 2:0 ҳисобида енгилишди.

«А» класс иккинчи группада СССР биринчилиги учун мусобақалашаётган «Политотдел» командаси навбатдаги учрашувни «Нефтяник» ўйинчилари билан ўтказди. Ўйин 2:2 ҳисобида дуранг бўлди. «Зарафшон» эса бу гал Усть-Каменогорск шаҳрида меҳмонда бўлиб, «Восток» командаси билан учрашди. Ўйин мезбонлар фойдасига 2:0 ҳисобида ҳал бўлди.

ВЕЛОСПОРТ

Куни кеча пойтахтнинг Ленин майдонидан кўп кунлик велоспорт пойгаси старт олди. Анъанавий бу мусобақада республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган мингга яқин спортчи иштирок этаётир. Улар белгиланган этап ва маршрутда Узбекистон бўйлаб пойга қилиб, 11 майда «Пахтакор» стадионида сўнгги йўлни босиб ўтадилар. Ҳозирча босиб ўтилган уч этапда Мустафоев, Дулин (Спартак) ва Семёнов (АСК)-лар пешқадамлик қиляптилар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

САВДО УСКУНАЛАРИ ВА ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН БУТУНИТТИФОҚ

КОНКУРСИ ШАРТЛАРИ

КОНКУРСДАН МАҚСАД: мутахассислар ва амалий савдо ҳамда умумий овқатланиш муассасалари ходимларининг фикрини янги жиҳозлар, ускуналар, кафе ва ресторанлар учун мебеллар, савдо аравачалари ва киоскалар, оддий мосламалар, механизм ва жиҳозлар тайёрлашдан тортиб савдо ходимлари иш шароити ва эффективлигини яхшилаш, харидорларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, магазин, омбор, умумий овқатланиш муассасалари таъминоти учун сарфланадиган маблағни камайтириб, бу муассасаларда технология процессини тезлаштиришни таъминлашдан иборат.

Шунингдек ускуна ва номеханизм мосламаларнинг оммавий ишлаб чиқарилишини бундан буён такомиллаштириш озиқ-овқат магазинларини универсал моллар ассортименти билан таъминлаб, сабзавот магазинларини ўзига-ўзи хизмат кўрсатишга ўтказиш, озиқ-овқат билан савдо қилмайдиган магазиналарни прогрессив методлар билан савдо қилишга ўтказиш, умумий овқатланиш муассасаларини прогрессив ишлашга кўчириш, ускуна ва мосламаларнинг анча қулай намунасини топиш, рационализаторлар ва ихтирочилар томонидан ишлаб чиқилган ускуналарни такомиллаштириш конкурсда кўзда тутилади.

Савдо ускуналари ва жиҳозларини тайёрлаш ҳамда такомиллаштириш юзасидан Бутуниттифоқ конкурси 1969 йилнинг 15 сентябрига қадар ўтказилади.

Конкурсда саноат корхоналари, савдо, умумий овқатланиш, лойиҳа, илмий текшириш ва бошқа ташкилотларнинг авторлар коллективи, шунингдек айрим кишилар иштирок этиши мумкин.

Конкурсга юборилган савдо ускунаси ёки жиҳозлари намунаси ишончли бежирим, технологик ва фойдаланиш жиҳатдан қулай, ихчам бўлиши, унча қиммат бўлмаган материаллардан тайёрланиши, шундай буюмлар олдида устун бўлиши, ҳозир оммавий равишда ишлаб чиқариладиган ёки озроқ ишлаб чиқариладиган мосламалардан яхшироқ бўлиб, савдо технологик талаблари ва санитария гигиена нормаларига жавоб бериши лозим. Ноозиқ савдоси учун тайёрланган мослама, картошка, сабзавот ва мева билан савдо қилиш учун тайёрланган мосламалар маҳсулотнинг базадаги оғирлигини, транспортга юклаш ва сотишдаги процесларни ҳисобга олиши лозим. Киоска, савдо аравачалари, жиҳозлар ўзимиздаги буюмлар ва маҳсулотлардан тайёрланиши кўзда тутилиши керак.

Конкурсга фақат тайёр буюмлар, комплекс схема мосламалар эса тайёрланган деталь ва намуналар асосида юборилади. Конкурсга юборилган намуналарнинг чертёжлари ёки умумий кўринишдаги эскизлари, алоҳида конструкция узеллари эса тушунгириш хати ҳамда асосланган ҳисоблар билан юборилиши керак.

Намуналар ва улар учун зарур бўладиган ҳужжатларни «СОЮЗИНВЕНТАР» конторасининг Намойишлар залига 1969 йилнинг 15 сентябридан кечиқмай етиб боришини ҳисобга олган ҳолда жўнатиш лозим:

Темир йўл транспорти билан юборилганда—Москва станцияси, истаган товар бўлимига,

Почта билан юборилганда ёки автотранспорт билан келтирилганда: Москва шаҳри, пр. Вернадский, 33.

Конкурс натижаси 15 сентябрдан 1 октябргача Москва шаҳрида чиқарилади.

Янги, такомиллашган савдо ускуналари ва жиҳозларини тайёрлаш учун қуйидаги миқдорда мукофот белгиланади.

Ҳар бири 500 сўмлик 5 та биринчи даражали диплом;

Ҳар бири 300 сўмлик пул билан 13 та иккинчи даражали диплом;

Ҳар бири 100 сўмлик 30 та учинчи даражали диплом;

Ҳар бири 50 сўмлик мукофот билан 12 фахрий ёрлиқ.

ПАХТА УРУҒЧИЛИГИ ВА СЕЛЕКЦИЯСИ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга қўшимча

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория мудирлари: ботаника, мутагенеза.

Конкурсда насб бўйича доктор ёки фан кандидати илмий даражасига эга бўлганлар ёки катта илмий ходимлар қатнашишлари мумкин.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан сўнг бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Орджоникидзе, 13-уй.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25—Қўшиқлар, 9.30 — Чолғу куйлари, 10.10 — И. О. Дунаевский қўшиқлари, 10.30 — Концерт, 11.15—«Фан ва техника оламида», 11.30 — Оркестр куйлари, 12.45—«Замондошларимиз» (радиоочерк, русча), 13.30 — Куйлар, 15.15—Н. Усмонов. «Муштипар оналар», 16.10—Эстрада концерти, 16.50 — «Правда» газетасининг обзори, 18.00 — «Республика далаларида» (русча), 18.10 — Қўшиқлар, 18.40—Спорт, 19.20—Концерт, 20.00 — «Ешлик» программаси, 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбатлар, 21.10 — Концерт, 22.20 — «Ялла» концерти, 22.40 — Б. Рихсиев. «Узбекистон радиоси тарихидан», 23.15—Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 дан—**Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.30 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.35 — **Телеянгиликлар,** 18.45 — **Олмалиқ зарбдор қурилишида,** 19.05 — **«Хатларингизга жавоб»,** 19.40 — **Улар бирга яшайдилар** (бадиий фильм), 21.20 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.25 — **Телеянгиликлар,** 21.40 — **«Узбекистон ССР халқ рассоми Р. Аҳмедов,** 22.00 — **Ун минут музика,** 22.10—**Пропагандист»** (тележурнал), 22.45—**«Келинг танишайлик!» «Ешлик»** кўрсатади).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 дан—**Москва кўрсатади**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — **Балет кечаси.**

Рус тилида: 20.40 — **«Ҳамиша қўриқчиликда»,** 21.00 — **26-отиямасин** (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Ватан ўғлонлари — **«ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛИГИ», «ВОСТОК»** (кундуз ва кечқурун), **САНЪАТ САРОЙИ** (эрталаб соат 10 да).

Қасос (1-2 сериялар) — **САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «НАВОИЙ** номли (кундуз ва кечқурун).

Қўлга тушмас қасоскорларнинг янги саргузаштлари — **«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛИГИ», «ДРУЖБА»** (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8 ярим ва 10 да бошланади).

Шанба оқшомидаги базм — **ТЕЛЬМАН** номли.

Қасос (1-2 сериялар) — **«ФЕСТИВАЛЬ».**

Хонимлар ҳаётидан лавҳалар — **«ХИВА».**

САНЪАТ САРОЙИДА 8 майдан бошлаб

«УЗОҚ ҒАРБДА»

номли янги рангли, кенг форматли бадиий фильм

НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ

«МОСФИЛЬМ» киностудияси маҳсулоти.

Сценария автори — Георгий МДИВАНИ.

Постановкачи - режиссёр — Александр ФАЙНЦИММЕР.

РОЛЛАРДА: Николай КРЮЧКОВ, Всеволод САФОНОВ, Николай МЕРЗЛИКИН, Геннадий ЮХТИН, Галина АНДРЕЕВА ва бошқалар.

СЕАНСЛАР: эрталаб 10, кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 6, 8, 9.45 минутда бошланади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.

Справка учун телефонлар: 4-20-34, 4-21-74.

Узбекистон ССР Маданият министрлиги. Театр жамияти ва Ҳамза номидаги Ленин ордени Ўзбек Давлат академик драма театри коллективлари Узбекистон ССР халқ артисти Ғ. Аъзамовга онаси

Лутфихон АЪЗАМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Узбекистон ССР Маданият министрлиги, Театр жамияти ва Ҳамза номидаги Ленин ордени Ўзбек Давлат академик драма театри коллективлари СССР халқ артисти О. Хўжаева ва Узбекистон ССР халқ артисти Ш. Маъзумовага онаси

Бувиниса КАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ТИНЧЛИК ЧЕГАРАСИ

ВАРШАВА. Польша Халқ Республикасининг ажралмас қисми бўлган Ғарбий ва Шимолий ерлар ҳафталиги: «Одер-Нейсе чегараси—тинчлик чегараси!» шиори остида очилди.

Ғарбий ерларда янги турмуш жўшқин мавж урмоқда. Бу ерларнинг экономикасини 32 миллионга яқин меҳнаткаш халқ ўз қўли билан бунёд этган. Шу ерларни озод қилган совет жангчилари кўз олдида намоён бўлган вайронгарчилик манзарасидан асар ҳам қолмади. Ҳозир бу ерларда 16 мингта завод трубаси қад кўтарди.

Ғарбий ва Шимолий ерлар ҳафталиги—меҳнат натижаларининг якуни ҳамда иқтисодий ва маданий турмушда эришилган муваффақиятларнинг кўргазмасидир.

Халқ Польшасининг шу районлари ҳозир мамлакат саноат маҳсулотининг 30 процентдан кўпроғини бермоқда. Замонавий денгиз кемалари, мис ва тошкўмир, ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг учдан бир қисмини, кучли генераторлар, пассажир ва юк вагонлари, электр локомотивлар — ана шуларнинг ҳаммаси эндиликда Ғарбий ва Шимолий ерларда ишлаб чиқарилмоқда.

МУҲИМ СИЁСИЙ КАМПАНИЯ

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасида Германия Бирлашган Социалистик партияси район ташкилотларининг ҳисоботсайлов конференциялари бошланди. Конференция қатнашчилари қилинган ишларнинг якунларини муҳокама ва таҳлил этадилар ҳамда ривожланган социалистик иқтисодий система қурилишидаги бундан буён бажариладиган конкрет вазифаларни белгилаб оладилар.

Германия Демократик Республикаси Германия Бирлашган Социалистик партияси раҳбарлигида халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида юксак кўрсатгичларга эришди. Республика бундан 18 йил муқаддам ишлаб чиқарган ҳажмдаги саноат маҳсулотини ҳозир 2,5 ойнинг ўзида ишлаб чиқармоқда. Унинг ташқи савдо оборoти шу вақт ичида деярли 8,5 баравар ортди.

ИЛҲОМБАХШ НАМУНА

СОФИЯ. «Кооперативно село» газетаси Совет матбуоти кунига бағишланган мақоласида қуйидагиларни ёзади: Совет матбуоти ўзининг юксак ғоявийлиги ва чуқур ҳақиқийлиги билан, КПСС ишига чексиз содиқлиги билан социалистик мамлакатларнинг матбуоти ва бутун дунёдаги прогрессив матбуот учун илҳомбахш намунадир.

Совет матбуоти, деб таъкидлаб ёзади газета, бизнинг матбуотимизда қизғин кутиб олинмоқда. Совет газеталари ва журналларини ишчилар ва кооперативлардаги деҳқонлар, мутахассислар ва ишчиларнинг ҳамма болғарлар ўқимоқдалар. Улар улуғ қардош мамлакатнинг муваффақиятини, совет кишиларининг ҳаётини шу газета ва журналлардан билиб оладилар, халқаро воқеалар тўғрисида энг тўғри хабарларни ўқийдилар. (ТАСС).

СЛОВАКИЯ МИЛЛИЙ КЕНГАШИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ҚАРОРИ

ПРАГА, 5 май. (ТАСС). Кеча Братиславада Словакия миллий кенгаши президиумининг мажлиси бўлиб ўтди. ЧТК агентлигининг хабар беришича, Ш. Садовский Словакия Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан Словакия миллий кенгашининг президиуми унинг Словакия Социалистик Республикаси ҳукумати раиси лавозимидан озод этишни сўраб қилган илтимосини қондирди.

Словакия миллий фронти Марказий Комитетининг таклифига биноан Словакия миллий кенгашининг президиуми П. Цолоткани Словакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Раиси лавозимига тайинлади.

СЛОВАКИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ПРАГА, 5 май. (ТАСС). Словакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг кеча бўлиб ўтган пленуми ўз мажлисида Густав Гусакнинг Словакия Компартияси раҳбар органларидаги лавозимлардан ўзининг озод этилишини сўраб қилган илтимосини қондирди. Пленум Словакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Штефан Садовскийни Словакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Марказий Комитет секретариатининг аъзоси қилиб сайлади. Пленум Петр Цолоткани Словакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси қилиб сайлади ва айни вақтда уни Словакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг раиси лавозимига тавсия этди.

М. РОКАР — БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯДАН ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД

ПАРИЖ, 5 май. (ТАСС). Францияда президентликка кўрсатилган яна бир номзод маълум бўлди. Бирлашган Социалистик партиянинг миллий бюроси кеча партиянинг миллий секретари Мишель Рокарни президентликка номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

ФРАНЦИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ пленумининг резолюцияси

ПАРИЖ, 5 май. (ТАСС). 2 май куни Сент-Уэнда Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми очилган эди. Пленум катнашчилари Франция Компартияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари Ж. Маршенинг коммунистик ва ишчи партиялар халқаро ҳамкорлигини тўғрисидаги ва Франция Компартиясининг шу ҳамкорлик тайёрлашдаги иштироки ҳақидаги докладини маъқуллашдилар.

Франция Коммунистик партияси ўзининг миллий вазифаларини ва интернационал бурчини ҳамиша адо этиб келди ва бундан буён ҳам адо эта беради 5 июнда Москвада очиладиган халқаро ҳамкорлик учун, тинчлик ва социализм иши учун катта муваффақият келтира олиши йўлида бутун куч-ғайратини аямай сарфлайди.

ҲИНДИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВАФОТ ЭТДИ

ДЕҲЛИ, 3 май. (ТАСС). Ҳиндистон Президенти Зокир Ҳусайн бугун Деҳлида тўсатдан вафот этди. У юрак ўйноғи касали билан ўлди. Зокир Ҳусайн 72 ёшда эди.

САЁҲАТЛАРГА МАРҲАМАТ

Совет кишиларининг, шу жумладан Узбекистон меҳнаткашларининг чет мамлакатлар, халқлари билан дўстона муносабатлари, маданий ва иқтисодий алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Бу масалада саёҳатлар муҳим роль ўйнамоқда.

Утган йили серқуёш республикамиз меҳнаткашларидан 2800 дан кўпроқ киши чет мамлакатларга саёҳат қилдилар. Улар жаҳондаги 28 мамлакатда бўлиб, у ердаги халқларнинг ҳаёти билан танишдилар, Европадаги социалистик мамлакатларда фан ва техника, маданият соҳасида эришилган ютуқлар, тарихий архитектура обидаларини кўздан кечирдилар, музейлар, саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалик объектлари, ўқув юртлари ва муассасалар фаолияти билан танишдилар.

Бундай қизиқарли ва мароқли саёҳатлар республикамиз меҳнаткашларида ўзи қизиқиш уйғотаётир. Эндиликда чет мамлакатларга саёҳат қилишни ҳоҳлаганлар сони тобора кўпаймоқда. Республикамиздан борган кишилар ҳаёт ва ўзаро ўлкаларнинг халқларига Совет халқининг коммунистик қурилиш соҳасида эришган мислсиз ютуқлари ҳақида, Совет Иттифоқи халқ хўжалигининг порлоқ истиқболлари ҳақида, шунингдек Советлар мамлакатининг тинчликсевар ташқи сиёсати ҳақида, бутун жаҳон халқлари ўртасида тинчлик ва дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қўшаётган хиссаси ҳақида батафсил сўзлаб бераётирлар.

Шу йилнинг март ойида республикамиз саёҳатчилари қаҳрамон Куба оролида бўлдилар, Тунис ва Жазоир халқи билан танишдилар. Ана шу саёҳат кунларида ушбу мамлакатларнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар, Кубада эса унинг ажойиб пойтахти Гаванадан ташқари Ваньялес, Сьенфуэгос шаҳарларига ҳам бордилар. Жаҳондаги энг яхши курортлардан бири Варадерода ҳордиқ чиқариб, Сорова туристик марказини, мамлакат саноат корхоналарини ҳамда қишлоқ хўжалик объектларини бориб кўрдилар.

Ҳозирги кунда республикамиз меҳнаткашларининг вакиллари Япония ва Дунай бўйи мамлакатларида саёҳат қилмоқдалар. Яқин кунда эса яна бир гуруҳ туристлар теплоходда Туркия, Италия, Сурия, БАР, Жазоирга жўнайдилар.

Узбекистон касаба союзлари республика Совети меҳнаткашларнинг чет мамлакатларга саёҳатига тобора кўп қизиқаётганликларини назарда тутиб, бу табиий талабни қондириш учун барча чораларни кўрмоқда. Чет мамлакатларга янги саёҳат маршрутлари очилиб, йўлланмалар сони кўпаймоқда.

Бу йилги мавсумда меҳнаткашлар отпускаларини жуда қизиқарли саёҳатларда ўтказишлари мумкин. Булар қуйидагича:

Болгария (дам олиш билан) — май ойидан бошлаб сентябрь ойининг охиригача,

Болгария — Югославия — сентябрда, октябрь ва ноябрда,

Венгрия—Югославия — октябрда.

Венгрия — октябрь ва ноябрда,

Венгрия—Чехословакия (экскурсия) — ноябрда,

Германия Демократик Республикаси (экскурсия) — март, июль, август ва октябрь ойларида,

Германия Демократик Республикаси ва Чехословакия бўйлаб экскурсия—сентябрда,

Польша (дам олиш билан) — июнь ва июль ойларида,

Польша—Чехословакия (экскурсия) — июнь, октябрь ва ноябрь ойларида,

Польша — Германия Демократик Республикаси — июнь, октябрь,

Руминия—Болгария — (экскурсия) — июлда,

Руминия (дам олиш билан)—июнь, август ва декабрда,

Руминия—Югославия — июнда,

Чехословакия (экскурсия) — май, июль, август ва декабрь ойларида,

Югославия (экскурсия) — май ойида,

Австрия—Венгрия (экскурсия)—сентябрь ойида,

Бирлашган Араб Республикаси — июнь ва декабрь ойларида,

Туркия, Италия ва Ғарбий Африка мамлакатлари бўйлаб теплоходда саёҳат октябрь ойида ташкил қилинади.

Май ойидан бошлаб, то сентябрь ойининг охиригача Болгария, Руминия ва Польшага уч ҳафталик саёҳатлар уюштирилади. Ана шу саёҳатлар мобайнида сайёҳлар Қора денгиз бўйидаги «Олтин қумлоқ», «Серқуёш қирғоқ», «Эфория» каби жаҳонга машҳур курортларда ва Балатон кўли соҳилларида икки ҳафта дам олиб, 5 кун давомида мамлакат бўйлаб саёҳат қиладилар.

Июнь, декабрь ойларида Бирлашган Араб Республикасига, октябрь ойида бир йўла саккизта мамлакат — Ғарбий Африка мамлакатлари, Италия, Туркияга теплоходда қилинадиган ва бошқа саёҳатлар туристларда унутилмас таассуротлар қолдиради, албатта.

Табиийки, саёҳатга бориш хоҳишини билдириб ёзилган аризалар сони ҳам кун сайин кўпаймоқда. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, билга келган хатлар ва аризаларга қараганда, қисман меҳнаткашларимиз чет мамлакатларга саёҳатга бориш учун қаерга мурожаат қилишни аниқ билмас экандар. Бундай саёҳатларга боришни хоҳлаган меҳнаткашлар, чет мамлакатларга қилинадиган саёҳатлар ҳақида тўла маълумотни касаба союзларининг маҳаллий, область комитетларидан ва советларидан олишлари мумкин.

З. МИРРАҲИМОВ,
Узбекистон касаба союзлари республика Совети халқаро туризм бўлимининг мудири.

Вьетнам Демократик Республикаси. Социалистик мамлакатлар вьетнам халқига катта иқтисодий ёрдам кўрсатишяпти. Бу ерга саноат корхоналари учун энг янги замонавий асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалик машиналари, дори-дармонлар ҳамда кенг истеъмол моллари келиб турибди. Ушбу суратда Ханойдаги «Донг Суан» трикотаж фабрикасининг Америка авиацияси ҳужуми пайтида вайрон бўлган цехига ГДРдан юборилган қуритиш ускуналарини ўрнатиш пайти тасвирланган. В. Соболев фотоси (ТАСС фотохроникаси).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 28. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216. Халқаро ҳаёт — 337804. Коммунистик тарбия — 331455. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация—334524, Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 3381 42. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон —48—65, Бухоро 43—141, Қарши 22—82, Наманган 21—88, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ Б. — 105. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 01346.